

Тошкент ш.

2022 йил “28” 02

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У.Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “The Flexpro Group” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-002053 -сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор **Х. Исматуллаев** иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 23-февралдаги 25755-сонли баённомасига асосан мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи ИЛ “Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган бинонинг бир қисмида Ўзбекистон Миллий матбуот маркази жойлашган хоналарини капитал таъмирлаш” ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш (АРТ 1-2 ни ҳисобга олган ҳолда) мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан 24 000 000,00 (Йигирма тўрт миллион)**) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажурвчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш.

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатишган даъво юзасидан ишга қатнашишга Пудратчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилиши ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.


11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPA NIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси, 16А-
уй.



Директор в.б.

Р.У.Кучкаров



БАЖАРУВЧИ

МЧЖ “The Flexpro Group”

Юридик манзили:

Тошкент ш. Юнусабд т. Шахрисабз к. №85 уй

Тел: +998 90 264-28-71;

х/р 2020 8000 3053 7242 3001;

АТИБ Ипотекабанк Чилонзор филиали.

МФО:00997, СТИР:303 374 035;

ОКЭД: 71120

Директор

Х. Исматуллаев



Handwritten signatures in blue ink at the bottom of the page.



“Тасдиқлайман”
Тошкент шаҳар ҳокимияти
“ЯБХ” ИК директори в.б.
Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров

28.02.2022й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 16-уй манзилида
жойлашган бинонинг бир қисмида Ўзбекистон Миллий матбуот маркази
жойлашган хоналарини капитал таъмирлаш ”
объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини
аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси
йиғилишининг
БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош муҳандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб
чиқаришни маҳаллийлаштириш ва
саноатда кооперация алоқаларини
кенгайтириш бўйича масалалари
ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг
ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди
асосида бир шартнома бўйича БҲМ
2 500 бараваридан ортиқ бўлса
иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган
бинонинг бир қисмида Ўзбекистон Миллий матбуот маркази
жойлашган хоналарини капитал таъмирлаш” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект
деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 15 феврал куни Ўзбекистон Республикаси товар
хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета
ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 25755 лот
рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон
портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган
таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва
қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “THE FLEXP
GROUP” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб комиссия аъзолари фикр алмашган ҳолда:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 23 февралдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навий кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган бинонинг бир қисмида Ўзбекистон Миллий матбуот маркази жойлашган хоналарини капитал таъмирлаш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “THE FLEXPRO GROUP” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари:




С. Сағдиев


Ш. Қодиров


О. Хамидов


П. Абдусатторов


А. Абдунабиев



**Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг
Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 20 январдаги 45-14-0-0/22-сонли қарори
Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январ ҳолатига шакллантиган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан
объектларнинг сурши бўйича
2022 йилги МАНЗИЛИ РЎЙХАТИ**

№	Объектлар номи ва мазмун	Қурилиш босқичи ва фойдаланиш шара ташқириш йили	Давлат қурилиш	Объектнинг умумий қиймати (шу jumladan ассоциатив жумладан, бюджетдан бошқа шайқалган қиймати)	01.01.22 й. ҳолатига объект қурилиш босқичи (айта келинган бўлса) қолдиқ маблағ (айта келинган бўлса)	01.01.23 й. ҳолатига объект қурилиш босқичи (айта келинган бўлса) қолдиқ маблағ (айта келинган бўлса)	01.01.24 й. ҳолатига объект қурилиш босқичи (айта келинган бўлса) қолдиқ маблағ (айта келинган бўлса)	01.01.25 й. ҳолатига объект қурилиш босқичи (айта келинган бўлса) қолдиқ маблағ (айта келинган бўлса)	2022 йил учун қолган қўйилмашар лимити					2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилда объектнинг қолдиқ маблағи (айта келинган бўлса)	01.01.23 й. ҳолатига йилда объектнинг қолдиқ маблағи (айта келинган бўлса)	2022 й. 10.2021 й. 4-сонли теңдер баёни	2022 й. 12.2021 й. 3-сонли теңдер баёни	"Global trans quish moni" МЧЖ	
									Жан капитал қўйилмашар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жан	Бюджетдан бошқа шайқалган қиймати	Қурилиш дуг	Асосий фонд сурши							
61	Жан капитал қўйилмашар жумладан			75 280,897 2 712,689	37 004,378 914,932	37 004,378 914,932	40 798,658 966,921	28 948,647 22 574,995	22 574,995	3 373,652			75 280,897								
1	Тошкент шаҳар Учқоғи ташқириш 107-сон маҳалла маҳор Ушқоғи Ёрқоғи Маҳорашарқоғи босқичи қурилиш ва ўрнатил	2021-2022 й	объект	80,421 1,587	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166			80,421	0,000	0,000		22.11.2021 й 25075-сонли	20.12.2021 й 3-сонли Теңдер баёни			Сойробо МЧЖ
2	Тошкент шаҳар Марқо Ушқоғи ташқириш 27-сон маҳалла қолдиқ қолдиқ Иборатқоғи Бақтир Ушқоғи қолдиқ босқичи қурилиш ва ўрнатил	2021-2022 й	объект	80,421 1,587	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166			80,421	0,000	0,000		22.11.2021 й 25075-сонли	20.12.2021 й 3-сонли Теңдер баёни			Сойробо МЧЖ
3	Тошкент шаҳар Чилқоғи ташқириш 188-сон маҳалла қолдиқ қолдиқ Галқоғи Эриқ Эриқоғи босқичи қурилиш ва ўрнатил	2021-2022 й	объект	80,421 1,587	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166			80,421	0,000	0,000		22.11.2021 й 25082-сонли	20.12.2021 й 3-сонли Теңдер баёни			Сойробо МЧЖ
4	Тошкент шаҳар Юрқоғи ташқириш 10-сон маҳалла қолдиқ қолдиқ Мақорқоғи Ёрқоғи қолдиқ босқичи қурилиш ва ўрнатил	2021-2022 й	объект	80,421 1,587	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166	79,000 0,166			80,421	0,000	0,000		22.11.2021 й 25082-сонли	20.12.2021 й 3-сонли Теңдер баёни			Сойробо МЧЖ
5	Маҳаллий қолдиқ қолдиқ Шўрқоғи Абқоғи ташқириш 90 йиллик қолдиқ қолдиқ қолдиқ босқичи қурилиш ва ўрнатил	2021-2022 й	объект	135,602 8,042	132,560 5,000	132,560 5,000	132,560 5,000	132,560 5,000	132,560 5,000	132,560 5,000			135,602	0,000	0,000		22.11.2021 й 21989-сонли	20.12.2021 й 3-сонли Теңдер баёни			Сойробо МЧЖ
6	Ушқоғи ташқириш 84007 хурқоғи қолдиқ қолдиқ қолдиқ босқичи қурилиш ва ўрнатил	2021-2022 й	объект	875,655 36,838	853,818 15,000	853,818 15,000	853,818 15,000	853,818 15,000	853,818 15,000	853,818 15,000			875,655	598,228	598,228		05.10.2021 й 775-Б-сонли	21.12.2021 й 4-сонли Теңдер баёни			"Stroy grand servis" МЧЖ
7	Ушқоғи ташқириш 84007 хурқоғи қолдиқ қолдиқ қолдиқ босқичи қурилиш ва ўрнатил	2021-2022 й	объект	621,525 29,781	599,744 8,000	599,744 8,000	599,744 8,000	599,744 8,000	599,744 8,000	599,744 8,000			621,525	422,224	422,224		05.10.2021 й 926-Б-сонли	21.12.2021 й 4-сонли Теңдер баёни			"Global trans quish moni" МЧЖ

№	Объектлар номи ва мазмуни	Кураниш бошланган ва бошланган фойдаланиш тара тошариш йили	Лойiha кўриштирувчи	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома асосида) жумладан, бўғалган бўлиши, хилма-хиллиги	01.01.22 й. ҳолатига объект қилиб қўйилган, бўғалган, бошқа хилма-хиллиги	01.01.22н. ҳолатига йилдан йилга объектнинг (айта эксабдан бири) қилиб қўйилган, бўғалган, бошқа хилма-хиллиги	01.01.22н. ҳолатига йилдан йилга 97ун объектнинг қилиб қўйилган, бўғалган, бошқа хилма-хиллиги	2022 йил учун қилинган сўйилмавлар дивиденти						2022 йилда фойдаланишга тошприрайдилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга 97ун объектнинг (айта эксабдан бири) қилиб қўйилган, бўғалган, бошқа хилма-хиллиги	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга объектнинг қилиб қўйилган, бўғалган, бошқа хилма-хиллиги	Экспортга юзасида рақамли на солиқи	Тилар (тиллар) илтижаси бўйича билинма рақамли на солиқи	Ташкилот номи	
								9	10	11	12	13	14	15	16						17
									бу жумладан			Курма/бу дил		Ауссий фонд оурақли							
									Жади капиталга сўйилмавлар	Курманга - молга илтири	Жако	Жади	жумладан, оурақли харажати дил								
59	Тошкент шаҳар, Амшер Навоий бўғаси 15-уй мажлисида жойлашган Амшер Навоий номидаги йиносарий (Ташкент) ҳудудини ва атрофидаги мадониеларни боғлашга йилдириш	2021-2022н	объект					64,889				64,889							ЎзР ВМ 27.08.2021 515-фи-сонли фармойиши	ОАО ТРЕСТ-12	
60	Тошкент шаҳар, Бўғаскор бўғасинининг Халқлар Дўстлиги саройи ва Халқаро мадониеларни қўйиб қўйилган ер оурақли рақамли мадониеларни таъмирлаш ва боғлашга йилдириш	2021-2022н	объект					100,000				100,000							ЎзР ВМ 2.03.2021 74-фи-сонли фармойиши	DISCOVER INVEST-MPK	
61	Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Йиносарийлар бўғаси ва мадониеларни (Шайхон)нинг бўғасидан қилинган ер мадониеларни оурақли рақамли мадониеларни таъмирлаш ва боғлашга йилдириш	2022н	объект					315,000				315,000							ЎзР ВМ 9.12.2020 576-фи-сонли фармойиши	Ташкент	

“Қаширди”
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
“Йиносарийлар бўғаси” ИИК
2022 й.

“Қилинди”
Тошкент шаҳар
Мадониелар бўғаси рақамли мадониеларни боғлаш ИИК
Д.Н.Исмагулова
2022 й.

(Handwritten signature)